Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 июн жума

Сотувда эркин нархда
№ 112 (2674)

# ГУУАМ: БУРИЛИШ САММИТИ

**Ялта, 7 июн. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг машҳур Левадия саройида ГУУАМнинг ялпи мажлиси бошланди. Мажлисни Украина раҳбари Л.Кучма очиб, бу тадбир ГУУАМнинг ривожланиш жараёнидаги бурилиш босқичи бўлаётганини таъкидлади.

Мажлисда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти ГУУАМ хартиясининг қабул қилиниши уни тўлақонли халқаро ташкилотга айлантириши ва шу билан бирга, мазкур тузилма атрофидаги гап-сўзларга чек қўйишини қайд этди. Ислом Каримов аъзо давлатларни биринчи галда иқтисодий масалалар атрофида бирлашишга чақирар экан, ўзининг ГУУАМни ривожлантириш борасидаги таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Дарҳақиқат, Хартиянинг қабул қилиниши катта воқеадир. Ислом Каримов ГУУАМни ҳали туғилмаган, лекин тақдири ҳақида ҳар хил гаплар гапирилган болага қиёслади. Ниҳоят, Хартия қабул қилиниши билан тузилма ҳақидаги бундай мишмишларга чек қўйилади, унинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланади, расмийлаштирилади. Бунда барча аъзо давлатлар эътибор қаратган биринчи жиҳат ташкилотнинг бирор давлатга қарши эмаслиги ва фақат бунёдкорлик руҳидаги ишларни амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бўлган мамлакатларнинг бирлашмаси эканлигидир.

Ислом Каримов мажлис иштирокчиларига транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ҳам ривожлантиришни таклиф этди. Шунингдек, ГУУАМ тараққиёти учун БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлис ниҳоясида президентлар "ГУУАМ Хартияси"га имзо чекди. Шунингдек, Фавқулодда вазиятларда аъзо давлатлар консуллик муассасаларининг ГУУАМ мамлакатлари фуқароларига ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Шу билан ГУУАМнинг Ялта саммити ниҳоясига етди.

**(ЎзА).**

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ, Муҳаммад АМИН олган сурат.**

# Хоразмга ташриф

Осиё тараққиёт банкининг президенти жаноб Тадао Чино бошчилигидаги Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган мазкур банк делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Делегация аъзолари "Ичон-қалъа" давлат тарихий-меъморий қўриқхонасини кўздан кечирди.

Бу ерда уларни ёқимли совға кутарди. Сайёҳлик кафелааридан бирида улар таъми ва сифати билан жаҳон стандартларига жавоб берадиган музқаймоқни татиб кўрди. Ёзда бозори чаққон бу маҳсулот "Муқаддам" хусусий корхонасининг мини-заводида ишлаб чиқарилган. Эътиборлиси шундаки, бу корхона мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига бунёд этилган.

Вилоятда мазкур нуфузли халқаро молиявий ташкилот билан самарали ҳамкорликка кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хонқа туманидаги табиий мева ва сабзавот шарбати ишлаб чиқариш бўйича "Мева" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси ҳам Осиё тараққиёт банкининг ёрдами билан қурилган.

Хоразмга сафар чоғида Осиё тараққиёт банки делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов, вилоят ҳокими И.Бобожонов ҳамроҳлик қилди.

**Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни!*

# Озод элнинг сергак посбонлари

**Махсус мухбиримиз Озод РАЖАБОВ жанговар машқ майдонидан хабар қилади**

Тоғлар... Бир қарашда улар чексиздай, одам оёғи етмагандек туюлади. Аслида эса бу чўққиларнинг ҳар бир қарич ери назоратда ҳозир. Ўз постида сергак турган ҳарбийларимиз замонавий алоқа воситалари, тунги кўриш мосламалари билан таъминланган. Уларга кундалик почта, озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилаяпти. Барча пост ва разведка гуруҳларидан келиб тушаётган маълумотлар ўқув машғулотларининг штабида умумлаштирилиб, тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жанговар машқлар уч босқичда бўлиб ўтаётир: ўқув машғулотлари ҳудудини эгаллаш, разведка-қидирув ҳаракатларини олиб бориш, разведка-қидирув ҳаракатлари олиб борилган ҳудуддан чиқиб кетиш.

Штабдан сал нарида, пурвиқор қоялар этагида чодирлар тикилган. Подполковник Бахтиёр Жўраев билан бирга шу томон юрдик. Навбатчи посбоннинг ишораси билан минамётчилар гуруҳи раҳбари майор Шуҳрат Рашидов пешвоз чиққан заҳоти вазият ҳақида ахборот берди.

Катта лейтенант Абдулла Икромов машғулот ўтказаётган аскарларни суҳбатга тортдик.

— Наманган туманининг Шўрқўрғон қишлоғиданман, — дейди сержант Нодирбек Аҳмаджонов терга ботган юзларини артар экан. — Тоғ шароитида жанг қилиш бошқа ҳар қандай қуролли тўқнашувлардан тубдан фарқ қилади. Бундай пайтда фақат жисмоний тайёргарликнинг ўзи камлик қилади. Ўтган йили юртимизга суқулиб кирган террорчиларга қарши жангларда бевосита иштирок этганим катта сабоқ бўлди. Агар мен ҳақимда ёзсангиз, отам Нурмирза, онам Санобар, ака-укаларим, опа-сингилларимга саломимни етказиб қўйсангиз...

Нодирбекнинг нигоҳида соғинч порлади. Доим оқ халат кийиб юрадиган Шодмоной опаси, Шоира, Сайёра исмли сингиллари кўз олдидан ўтган бўлса не ажаб. Сафдошининг тилакларига қўшилган кичик сержант Баҳодир Файзиев (Пешку туманидан), оддий аскар Мирсаид Муродов (Дўстлик туманидан) ҳам ҳарбий хизматнинг ўзига хос масъулияти ва гашти ҳақида мароқ билан гапиришди.

Биз билан икки-уч дақиқа гурунглашишга улгурган мана шу жасур ўғлонлар командирнинг ишораси билан яна хизматга отланишди. Тоғ сўқмоғидан дадил одимлаётган бу йигитларни олдинда жуда машаққатли, лекин шарафли вазифалар кутмоқда. Тўғри, улар ҳозир ўқув машқларида иштирок этишаяпти. Аммо 35-40 даражада иссиқда чўққи ва даралар орасида жанговар топшириқларни аъло даражада адо этишни ҳам ўзига хос қаҳрамонлик деса бўлади. Озод элнинг сергак посбонлари бугун чин маънода ана шундай матонатни намойиш этишмоқда.

## КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

● **Қувада печенье ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга тушди. «Матлуботсавдо» акционерлик бирлашмаси тасарруфидаги ушбу корхона қирқдан зиёд қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя» мавзуида республика илмий-назарий анжумани кеча ўз ишини бошлади. Республика мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан ўтказилаётган ушбу семинар икки кун давом этади.**

● **Беруний туманидаги «Озод» деҳқон-фермер хўжаликлар бирлашмасида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги шифо маскани иш бошлади. Энди «Озод»ликлар 20-30 чақирим йўл босиб туман маркази ёхуд шаҳар шифохоналарига боришдан халос бўлдилар.**

● **Бугун Бухорода «Ўзбек халқ табобатининг истиқболлари» мавзуида II республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади. Ушбу анжуманда мамлакатимизнинг таниқли олимлари билан бир қаторда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейннинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда.**

# «Хазон бўлган умр»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мазкур жамоа Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти талабалари билан ҳамкорликда саҳналаштирган "Хазон бўлган умр" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Халқимиз истиқлолга эришгандан кейин миллий ўзлигимизни англаш, маънавиятимизни тиклаш билан бирга, ёшларимизни мустақил фикрли, соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, ёшлар тарбияси жамиятимиз ҳаётининг устувор вазифасига айланди. Ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида ёшлар камолоти учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани қувонарлидир.

Иштирокчилари талаба-ёшлардан иборат бўлган мазкур спектаклда турмушда учраб турадиган айрим қийинчиликлар сабаб "калавасининг учини йўқотиб қўйган" Назиржон исмли йигитнинг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Ота-онаси, яқинларидан, суюкли кишисидан ажралган Назиржон чет элга ишлаш учун боради ва бир гуруҳ ақидапарастлар домига тушади. Ёш умри хазон бўлаётганини англаб етганида эса вақт ўтган эди.

Халқимиз ўз ҳаётининг порлоқ келажагини юксак эътиқодли, иродали ва зукко фарзандлари тимсолида кўради. Негаки, ҳаётимизнинг давомчилари ҳам айнан ана шу фарзандлардир. Шунинг учун ҳам уларни тушкунлик, диний мутаассиблик, ақидапарастлик, террорчилик каби хавф-хатарлардан омон сақлаш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун имкон яратиш муҳим аҳамият касб этади. Спектакл томошабинни ана шу тарзда огоҳликка, ҳушёрликка ва бугунги кунларимизнинг қадрига етишга ундайди.

Академия ва Санъат институти талабалари томонидан яратилган мазкур спектаклнинг бош консультанти юридик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхўжаевдир.

Янги саҳна асари тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Т.Рисқиев қатнашди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# Божхоначилар сергак

Давлат божхона қўмитаси юртимиз иқтисодий хавфсизлиги ва ички бозорини ҳимоя қилиш, чегараларда назоратни кучайтириш, товар-моддий бойликлар, таъқиқланган буюмларнинг ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олдини олиш борасида изчил иш олиб бормоқда. Жумладан, йил бошидан буён божхона тўловларидан ундирилган 41,7 миллиард сўм маблағ давлат бюджетига, 1,1 миллион АҚШ доллари эса мамлакатимиз Йўл фондига ўтказилди.

Умуман олганда, шу йилнинг январ-май ойларида чегаралардан ноқонуний равишда олиб ўтилган ёхуд божхона қонун-қоидалари бузилган ҳолатлар бўйича ушлаб қолинган товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 4,8 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари шу йил 30 май куни "ГАЗ-53" русумли давлат белгиси AN 405 автомашинани тўхтатиб, назоратдан ўтказганларида, юртимиз фуқароси В.Ҳамидовнинг 13.231.300 сўмлик пойабзал ҳамда кийим-кечакни Қозоғистондан ноқонуний равишда олиб келаётгани аниқланди.

Чегаралардан контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган 29 килограмм 651 грамм гиёҳвандлик моддалари, 248 мингта таблетка ва 8360 ампула кучли таъсир этувчи психотроп моддалари, шунингдек, 5 та ўқотар қурол, 70 дан ортиқ ўқ-дори, 878 дона экстремистик руҳдаги китоб мусодара қилинди.

Мамлакатимиз чегараларидан шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ёки виза тартибини бузиб ўтишга уринган 125 нафар афғонистонлик ва 824 тожикистонлик фуқаро тўхтатилиб, қонуний чора кўриш учун ички ишлар ва чегара қўшинлари бўлинмаларига топширилди.

Айни вақтда божхоначиларнинг билим савияси ва маҳоратини ошириш, тизимни нолойиқ ходимлардан тозалаш мақсадида, навбатдан ташқари аттестация ўтказилди. Натижада, 43 кишининг лавозими пасайтирилиб, 51 шахс божхона идораларидан бўшатилди.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши чегараларда божхона назоратини янада кучайтириш, сиёсий ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашни яхшилаш, божхоначилар фаолиятини жонлантиришга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

*Маърифат соати*

# НАФИНГ ТЕГМАС БЎЛСА ЎЗГАЛАРГА...

**Биринчи воқеа.** «Бу замонда душманингга ҳам дардга чалинишни раво кўргинг келмайди. Чунки... Яқинда қизим кўричак хуружи билан касалхонага тушиб қолди, — деб ҳикоя қилади таҳририятга келган бир аёл. — Қизиғи шундаки, операцияга тайёрлаб туришган пайтда бирдан хуруж тўхтаб, шифокорлар қўли боғланди. Яна бошланса операцияга оламиз, дейишди. Туни билан мижжа қоқмай, қизимнинг тепасида ўтириб чиқдим. Операция қилдирган беморларнинг шивир-шивири қулоғимга чалинди.

— Қанча сўрашди?

— Арзимаган кўричакнинг ҳам баҳоси бор экан-а?

— Ҳа, жарроҳига қараб-да...

Эрталаб навбатчилик алмашишдан аввал тунда операция қилган жарроҳ беморларини текшириб, кечасиёқ «плани» тўлганидан кўнгли хотиржам, уларга маслаҳатини «аямади». Қизимнинг олдига келиб оғриқ бор-йўқлигини сўради-да:

— Энди, қизий, оғриган, оғримаганининг менга қизиғи йўқ, навбатчилик тугади. Аслида кечаси опажонинг, — у менга ишора қилди, — қаттиқроқ «йўталганида» олам гулистон эди. Сенам енгил тортиб ётган бўлардинг...

Бўғзимга алланима тиқилгандек бўлдию, ўзимни зўрға босдим. Ўша куни қизимнинг толеига профессор кўриги куни экан. Текшириб, дарров операцияга олишди. Унинг кўричаги сурункали бўлгани учун оғриқ пасайса-да, барибир операция қилиш керак экан. Ҳайтовур, жарроҳнинг қўли енгил экан, қизимнинг дарди ариди. Тўғри, зарур дори-дармонларни ўзимиз олиб бердик. Яшириб нима қиламан, кўнглимдан чиқариб шифокорга «қўл ҳақи» ҳам бердим. Миннатдорлигимдан, олдиндан пул сўраб, байлашмаганидан бердим. Ҳатто инсофли экан, деб алқадим ҳам. Чунки у беморларнинг «қўлига қарамас экан...»

**Иккинчи воқеа**. Дард берсину шифоси билан берсин-да. Бедаволаридан ўзи асрасин. Қўшнимнинг қизлари аёллар касаллиги билан оғриб, шаҳримиздаги бир диспансерга тушиб қолди. Беморни у ерга жойлаштиришнинг ўзи бўлмади. Бу ҳам майли, палата шифокори қўшнимнинг қўлига бир талай дори-дармонларнинг рўйхатини бериб, «Шуларни топиб келсангиз, кейин муолажа бошлаймиз», дебди. Кейин «Мана бунисини топишингиз қийинроқ, истасангиз ўзимиздан сотиб олишингиз мумкин», деб «яхшилик қилибди». Ёнида бўлса боласи учун ким ҳам сарф қилмайди, дейсиз. Қўшним шўрлик қарз-ҳавола билан охири ҳамма дориларни топди, аммо ҳалигисини ўша ердаги ҳамширадан ҳар бир шишасини тўрт мингдан сотиб олди. Ваҳоланки, у икки мингдан ҳам арзон экан. Хуллас, дори-дармоннинг ўзига анча пул сарф бўлди. Ҳар сафар қизларининг аҳволини сўрасам, «Бошингизга тушмагунча билмас экансиз, ҳамшираларнинг ҳам чўнтагига солиб турмасангиз ё муолажа қилиш «ёдидан кўтарилади», ё...

Ўйлаб қоласан киши. Ё оиламиз, ё қўшнимиз, ёки қариндош-уруғда бугунги кун тиббий хизматидан кўнгил тўлмаслик, ранжиш ҳолатлари учраб турибди. Нима бўляпти ўзи?! Бу ўринда айнан фалон дўхтир, фалон ҳамшира ёки анави шифохона, шундай сонли поликлиника деган аниқ далиллар келтиришдан йироқмиз. Сабаби тиббиётдаги нохуш ҳолатлар ҳақида ёзилади-ю, кейин уни мутасадди ташкилот текширади. Лозим топса, тиббий ходимга ёки раҳбариятига жазо кўради. Бироқ бундан нима наф? Шу боис, бу ёзилаётган гапларни мулоҳаза, фикр тарзида қабул қилишларини сўрардик, тиббиётчилардан. Ахир улар ҳам оқ халатларини кийим-бошларига алмаштирганларида ҳаммага ўхшаш инсонлар-ку. Уларнинг ҳам оиласи, хотин-бола-чақаси ёки эри бор. Оддий одамларга ўхшаш дарди, ғам-ташвиши, қувончли дамлари ҳам бўлади. Шундай экан, нима сабабдан Гиппократ қасамини ичган, одамларнинг дардини фориғ қилиш, уларга малҳам бўлишдек олий бир «мансаб» насиб этганда, Оллоҳнинг бундай иноятини соф виждон ила бажаришни истамайдилар. Ахир бировнинг дардига дардманд бўлишдан ҳам ортиқроқ улуғлик бормикан асли?!

Беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, шифокорларнинг ҳам бирини бирига ўхшатиш тўғри бўлмас. Мен Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиника болалар шифокори Азиза Мавлонова, Феруза Ғуломовани, Мирзо Улуғбек туманидаги 9-оилавий поликлиника филиали терапевти Гўзал Исамуҳамедова, стоматолог Машҳура Тошмуҳамедова, жарроҳ Абдурасул Шукуровларни яхши биламан. Кўпда уларнинг беморлари билан тўқнаш келганман. Уларнинг «Бемор тузалиб кетмагунча тинчимайдиган дўхтир, ҳатто уйидан ҳам қўнғироқ қилиб касаллари ҳолидан хабар олади-я», дея алқаганларини кўп эшитганман. Тўғри, бундай шифокорлар жуда кўп. Лекин айни пайтда фақат «қўлга» қараб турувчиларнинг кўпайиб кетаётгани ҳам сир эмас. Балки бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бордир. Бироқ энг оғир дақиқаларда — инсон ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган пайтда, «Фалонни топиб келсанг ёрдам бераман», «Шунчага операция қиламан, ками камлик қилади» дейдиганлар савдоси молми ёки жон савдосими — англаш қийин. Наҳот инсон ҳаётини ўртага қўйиб ҳам савдо қилинади? Ким-ким ўз номи билан шифо берувчилар учун бу ҳақорат эмасми (албатта, ўзлари тушуниб етсалар)?!

Ўзбекнинг яхши бир одати бор. Яхшилик кўрган одамига, албатта, қўл ҳақи тутқазади ёки яхшилаб дуо қилади. Яқинда катта бир шифохонанинг бош шифокори билан суҳбатлашиб қолдим.

— Бу бор нарса. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бор. Одамларга яхши муомила билан дардига малҳам бўлсангиз ўз миннатдорчилигини, албатта, билдиради. Энг муҳими дуога қўл очади. Савоб иш қилганингиз — беморнинг дардини аритганингиз учун ҳамма яхши тилакларини Сизга билдириб кетади. Ўз хизмат бурчини бажариб, ўзгалардан бунчалар олқиш олиш, назаримда, фақат бизнинг касбга хос нарса. Ахир ўзга касбдагилар давлат идорасида ишлаб, корхона, ташкилот, фирмаларда хизмат лавозимини суиистеъмол этмайдилар-ку, бировнинг қўлига қарамайдилар-ку, нега оппоқ халатли оқ кўнгил шифокорлар шу ишни қилиши керак? Бу касбимизга нисбатан ҳам ғайри одатий ҳол-ку. Мен шифокорларга «Бу дунёда савоб иш қилиб, савобга қолсангиз, ўзгалар дилини оғритиб олмоқчи бўлган «қўл ҳақи»нгиздан ортиқроқ ҳам бойлик қўлингизда бўлади», дегим келади...»

Ҳа, савоб иш қилиш улуғ иш. Лекин уни ҳамма ўз ўлчови билан тушунади. Шуниси кишини ўйлантиради.

Такрор айтамиз, биз бирон дўхтирнинг бирор беморнинг ўлимига сабабчи бўлганини, бирон шифокорнинг бемори сўраганини бермагани учун уни ҳатто операция столига олишни пайсалга солаётганини, шифохонадаги дори-дармонни таниш-билишга пуллаб, касалдан дори келтиришни талаб қилаётган ҳамширанинг хатти-ҳаракатини юзига солиб, қоралаш учун аниқ далиллар тўплаганимиз йўқ. Гап эгасини топади деб ўйлаймиз. Қолаверса, муҳтарам оқ халат эгалари халқ дардига қулоқ тутсалар, мададталаб инсонларга нафлари тегса, ўзгалар қувончидан қувонсалар олам гулистон эди.

Яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндалари йиғилишида бир фикр таъкидланди. — Эртанги кунимиз бундан-да ойдин, ёруғ, фаровон бўлиши учун ҳаётимизнинг қайси жабҳасида бўлишидан қатъи назар бугунги камчиликларимиз, хатоларимизни, аввало, англаб етишимиз, уларни тўғрилашимиз лозим. Чунки «биз халқнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, жамиятда тараққиёт, фаровонлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби олижаноб ғояларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган соғлом мафкура тарафдоримиз». Зеро, тиббиётчиларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришлари — инсон саломатлигини муҳофаза қилишлари ҳам маънавий қиёфамизнинг бир кўринишидир.

**Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

